

Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 5 март, № 45 (4455)

Чоршанба

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг оила аъзолари Сизга чуқур эҳтиром билан ушбу мактубни йўллашни Ўзларининг қийматли қарзлари деб билдилар. Шоира ўз ҳаётининг сўнгги йилларида Сизни кўп эслар ва «Бу шахс ўзбек халқининг бошига қўнган бахт куши бўлди», дер эдилар.

Шоира Зулфия номига Сиз йўллаган мактуб ўша кезларда кекса ижодкорнинг умрига умр қўшгани, унга янги ҳаётий илҳом бахш этганига биз гувоҳимиз. Кейинроқ Зулфия номини абадийлаштириш учун мактаб ва кўчаларга унинг номи берилиши, 1999 йилда махсус Фармон билан Зулфия номидаги мукофотнинг таъсис этилиши ҳам Сизнинг бу ижодкорга бўлган юксак ҳурматингиз намунаси эканини ҳис этиб турдик.

2008 йилнинг илк баҳор кунини эса бошимиз осмонга етди: Тошкент азиямининг энг сўлим гўшасида Зулфия ҳайкали ўрнатилди. Бу ҳайкални яратиш ташаббуси, унинг тисолида қандай образ акс этиши, бу бадиий обида қандай қўриниш ва қиёфада бўлиши тўғрисидаги маслаҳатлар бевосита Сиз томонингиздан билдирилгани ва бир неча бор жиддий назарингиздан ўтказилгани учун ҳам у гоят гўзал ва маҳобатли қўриниш касб этгани рост.

Хурматли Ислам Абдуганиевич, Дарҳақиқат, ҳаёт куйичиси Зулфия айтганидек, ўзбек халқининг бошига қўнган бахт куши мисоли узок умр кўринг. Икки ижодкор — Ҳамид Олимжон ва Зулфия Исроилова фарзандлари эса бир умр Сиздан миннатдорлик ва қарздорлик ҳисси билан яшашдан бахтиёримиз.

Хурмат ва эҳтиром билан,

Хулқар ва Омон ОЛИМЖОНОВлар.
Тошкент, 2008 йил 4 март.



Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Мебель, ишлаб чиқариш технологиялари, интерьер ва дизайн — MebelExpo Uzbekistan-2008" халқаро кўргазмаси иш бошлади. У Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Савдо-саноат палатаси, "Файз"ҳолдинг компаниясининг расмий кўмагида "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил қилинди. Тадбирда Германия, Индонезия, Польша, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистоннинг салкам 20 та компания ва фирмаси ўз маҳсулотлари ҳамда хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этмоқда.

Халқаро кўргазма

Кўргазманинг очилиш маросимида кейинги йилларда ҳукуратимиз томонидан мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, фуқароларнинг уй-жойини мулк сифатида сотиб олишга бўлган ижтимоий қўллаб-қувватловлар ва ҳуқуқларини қўлайлаштириш борасида кенг қўллаш ишлар амалга ошириладигани яхши самара бераётгани таъкидланди.

Маълумотларга қараганда, 2007 йилда мамлакатимиз мебелсозлари томонидан ички бозорга 57 млрд. сўмлик мебель ва уй-рўзгор жиҳозлари етказиб берилди. Ўз навбатида, тармоқда юқори технологияли ускуналар, хом ашё ва компонентлар, фурнитур ва аксессуарларга бўлган талаб тобора ошмоқда. Ушбу кўргазма эса, айни шу борада томонлар ўртасида узок муддатли ҳамкорликка доир масалаларни ҳал этиш имконини беради. Зеро, Ўзбекистон бозорига мебелсозлик саноатида дунёга машҳур Россиянинг "Центроплит", "Альфом" "Laffa", Хитойнинг "Утор", шунингдек, Словениянинг "Горение" каби компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизмат кўрсатиш турлари билан илк бор иштирок этмоқда. Кўргазма павильонларида мебель ва ёғочни қайта ишлаш тармоғида юз берган энг сўнгги янгиликлар, маҳсулотлар намуналари на-

моиш этилаётгани эса иштирокчилар сафини кенгайтирмоқда. Шу кунини "Ўзэкспомарказ"да "Қурилиш ва интерьер, иситиш ва вентиляция — UzBuild-2008" 9-Халқаро кўргазмаси ҳам иш бошлади. Унда дунёнинг 20 га яқин мамлакатдан 130 дан зиёд компания ва фирмалар ўз маҳсулот намуналари ва хизмат кўрсатиш турлари билан қатнашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2007 йил 1 июндаги "2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашда ушбу кўргазма муҳим аҳамият касб этади. Кўргазма павильонларида рақобатбардор ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган энг сўнгги русумдаги машина ва ускуналар намойиш қилинаётгани ва томонлар ўртасида маҳсулотлар олди-сотдиси бўйича келишуларга эришилётгани шундан далолат беради.

Иштирокчилар кўргазманинг "Қурилиш материаллари",

(Давоми 2-бетда).

ЗАМОНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ



Олий Мажлис Сенатида ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2008 йил 4 март кунини бўлиб ўтган мажлисида "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мутасадди идоралар томонидан ижро этилишининг ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Ушбу Қонунни ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳуқуқий муҳофазата этилишини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш йўлида муайян ишлар амалга ошириб келинаётганлиги мажлис ахли томонидан алоҳида қайд этиб ўтилди.

Шу нарса ҳам таъкидландики, қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси саноат мулк объектларини ҳуқуқий муҳофазат қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаб келмоқда. Мазкур идора ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патент бериш ҳақидаги талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилиш, улар юзасидан давлат экспертизасини ўтказиш, давлат рўйхатида олиш ҳамда уларга патентлар бериш билан

шуғулланмоқда, шунингдек, патентлар берилганиги, уларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги ва бошқа ахборотлар эълон қилиб бориладиган расмий ахборотнома нашр этмоқда.

2005-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига патент бериш сўралган 1931 та талабнома тушди. 4515 та экспертиза ўтказилди, 1329 та объект, лицензия шартномалари ҳамда патентланган объектиларга бўлган ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги шартномалардан 84 таси рўйхатга олинди, расмий ахборотноманинг 24 та сони чоп этилди. 80 дан ортиқ идоравий норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди, уларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатида ўтказилди. Ҳар йили энг яхши интеллектуал мулк объекти танловлари ташкил қилинмоқда. Талабнома берувчиларга ёрдам тарихидаги турли қўллаб-қувватловлар чоп этилаётди.

(Давоми 2-бетда).

Ўтган ҳафта давомида мамлакатимизнинг барча минтақаларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Халқ томонидан сайланган вакиллар учрашувларида Президент Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкор ишлар, қабул қилинаётган янги қонунлар ҳолати ҳақида тушунча бердилар, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, минтақалар тараққиётини жадаллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар хусусида ҳикоя қилдилар, учрашув қатнашчиларини қизиқтирган қатор саволларга жавоб қайтардилар.

АМАЛИЙ ВА ОШКОРА МУЛОҚОТЛАР

Жумладан, парламент куйи палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоиловнинг Учқўрғон ва Норин туманларида ўтказган учрашувлари ана шундай самимиий ва очик мулоқотлар асосида олиб борилди. Биринчи учрашувдан чуқур таассурот олган Учқўрғон педагогика коллежи директори Дилором Эсамбоева шундай ҳикоя қилди:

— Гарчанд куйи палата депутаты Нурдинжон Исмоилов билан ўқувчиларимиз учрашуви расмий характерга эга бўлса-да, у очик ва ошқора сўбатга, дилдан қилинган мулоқотга ўхшаб кетди. Унда одамларимиз ўзи танлаган вакили бошқараётган қўмитанинг, қалаверса, бутун Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фалояти тўғрисида муфассал маълумотга эга бўлдилар. Бугунги учрашувда ҳам у асосий қисминини ёшлар ташкил қилувчи сайловчиларга бир қатор янги қонунлар, мамлакатимиз раҳбарининг фармонлари ва қарорлари мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди.

Таъкидлашни истардимки, бу

масалаларни, айниқса, қишлоқ туманлари аҳолисига тушутириш ўта муҳим. Биз ахборот оқими кучайган дунёда яшаётимиз. Узимизнинг мавжуд муаммоларимизни ҳал қилишда ҳар доим ҳам ҳуқуқий имкониятларимиздан кенг фойдалана олмаймиз, манфаатларимизга хизмат қилувчи кўплаб умум-миллий ҳужжатлар ёки бошқа қонунларнинг долзарблиги ва

мазкур ҳужжатга асос қилиб олинган. Гаровга қўйишнинг янги тизими ҳамюртларимизга ўзларининг шахсий уй ва квартираларига эга бўлиш имкониятини яратди. Ваҳоланки, бу каби имкониятлар хусусида тадбир иштирокчиларнинг барчаси бирдек хабардор эмас эди. Учрашувдан сўнг яқинда оила қурган кўплаб ёшлар ўз депутатларининг олдида бориб, ипотека кредити олиш масаласидаги баъзи саволларга оидинлик қилишга охишқили ажабланишарди ҳол эмас.

Депутат ва ҳаёт

аҳамиятини етарли даражада англаб етмаймиз. Дейлик, «Ипотeka тўғрисида»ги Қонунни олайлик.

Нурдинжон Исмоилов сайловчилар эътиборини аҳоли турар-жойи масаласини ҳал қилишда ушбу ҳужжат яратган имкониятларга қаратганига ўзим гувоҳ бўлдим. Мазкур қонун мейрларни ҳақида сўзлар экан, уни ишлаб чиқишда миллий қонунчилигимиз ва аҳоли турмуш тарзи ҳисобга олинганини таъкидлади. Турар-жой муаммосини ҳал этишда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ буйлаб

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан байрамолди ҳашари ўтказилди.

НАВРЎЗОЛДИ ҲАШАРИ

Тозалик ва ободончилик ойлиги доирасида уюштирилган ушбу тадбирда 35 минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди. Уларнинг кучи билан жами 554 гектар майдон тозаланди, 96700 туپ манзарали, 30 минг туздан зиёд мевали дарахт қўчатлари ўтказилди, зиёратгоҳлар ободонлаштирилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Наманганда «Экология ва саноатлик кунлари» доирасида умумхалқ ҳашари ўтказилди. Ҳашарда қатнашган бир миллионга яқин киши 500 минг туپ кўчат ўтказди.

Кўчалар кўркам, боғлар саришта

Кўча ва хиёбонлар, боғ ва ҳовлиларга кўр ҳақида яшиллик бағишловчи бу ниҳоллар вилоятдаги мевали қўчатлар етиштириш таҳриба ҳўжалигидан келтирилди. Ҳўжалик мўҳтачилари бу йилги қўламга пухта ҳозирланиб, 136 минг туپ олма, 34 минг туپ шафтоли, 2 минг туп хурмо, 93 минг туп терак, 42 минг тул гул ва бошқа қўчатлар тайёрлашган эди.

Шу кунини 2577 гектар майдон ободонлаштирилиб, 866 километр узунликдаги сув йўллари тартибга келтирилди. Янги турар жой ҳақларидаги 882 километр ички йўللарга шағал ётқизилди.

— Кексалар ва аҳолининг ўзгалар ёрдамига муҳтож қатламини йўқлаш халқимизнинг эзгу удуларидан, — дейди «Маҳалла» жағғармаси вилоят бўлими раиси О. Нуриддинов. — Ҳашарчилар улар ҳўлидан хабар олиб, ҳовли-жойларини сулуриб-сидириши, томорқаларига ишлов бериши. Шунингдек, вилоятдаги зиёратгоҳларда тозалик юмушлари амалга оширилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Асосий мезон — янгиликка интилиш

Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус-2008» республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичида 432 нафар тадбиркор, хунарманд ва фермер ўз маҳсулотини билан иштирок этди.

Ҳолларни аниқлашда экспортбон ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш соҳасидаги ишларга алоҳида эътибор берилди.

Кўрик-тановда Яқабоб туманидаги «Хўмотекс» масъуляти чекланган жағғармаси раиси Фарход Эшматов «Энг яхши тадбиркор», Миршароф туманидаги «FAM» фермер ҳўжалиги раҳбари Амир Файзиев «Энг яхши фермер», китоблик хунар-

манд Олим Тўраев «Энг яхши хунарманд» йўналишлари бўйича голибликни қўлга киритишди. Улар кўрик-танловнинг республика босқичига йўланма олдилар.

Бўри НОҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА



2007 йилда мамлакатимизда 170 та болалар спорти объекти барпо этилди.

Ўтган давр мобайнида республикамизда миллионлаб ўғил-қизларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш орқали жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш учун аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар изчил амалга оширилгани шундай натижага эришиш имконини берди.

Бир рақам шарҳи

ЖАҲОН 24 соат ичида

Теледебат уюштирилди

Жорий йилнинг 9 март куни Испанияда парламент сайловлари бўлиб ўтади.



Хозирда мазкур сиёсий жараёнга икки партия — Испания ишчи социалистик партияси ва Халқ партияси даъвогарлик қилаётти. Кўни кеча икки партия етакчилари Хосе Луис Родригес Сапатево ва Мариано Рахой ўртасида теледебат уюштирилди. Унда номзодлар ўз дастурларини кенг оммага таништирдилар.

Эслатиб ўтамиз, Хосе Луис Родригес Сапатево айни пайтда Испания бош вазири лавозимида фаолият юритмоқда.

Коллеж ёнида портлаш



Шарқий Покистоннинг Лахор шаҳрида Ҳарбий-денгиз коллежи биноси ёнида бир қанча портлашлар рўй берди.

"Франс-пресс" таркатган хабарга кўра, теракт оқибатида беш киши ҳаётдан кўз юмган. Етти киши оғир тан жароҳати олди. Мамлакат полицияси вакиллари портлаш сабабларини ўрганимоқда.

Келишиб олишди

Германия канцлери Ангела Меркель ва Франция президенти Николя Саркози Урта Ер денгизи Иттифоқини тузиш ҳақида келишиб олишди.

Бу ҳақда икки мамлакат раҳбарлари Ганновер шаҳридаги учрашуваридида маълум қилишди. Хабарларда келтирилишича, Меркель ва Саркози мазкур иттифоқ масаласини Европа иттифоқи давлатлари саммитида кун тартибидидаги асосий масала қилиб киритмоқчи.

Урта Ер денгизи Иттифоқини тузиш боғида Франция президенти Николя Саркози томонидан ўтган йилнинг май ойида билдирилган.

Мазкур иттифоқ тузилса, унга ЕИ мамлакатлари ва бошқа давлатлар аъзо бўлиши мумкин.

Бензин ўрнига керосин

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги аэропортда "Citrus" русумидаги самолёт ҳалокатга учради.



Маҳаллий полиция вакиллари авиациалокат сабабларини аниқлашди. Маълум бўлишича, аэропорт ходимлари бензин билан ҳаракатланадиган самолётга янгилишиб авиакеросин қўйиб юборишган. Оқибатда самолёт парвоз чоғида қулаб тушган. Ундаги тўрт йўловчи ҳалок бўлди.

Самолётнинг ҳалокати тўғрисидаги расмий маълумот 90 кун давом этадиган текширувлардан сўнг маълум қилинади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий равнақида кичик бизнес субъектларининг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Бу субъектларнинг истиқболли лойиҳалари амалга оширилиши натижасида бултур кўшимча равишда 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, унинг қарийб учдан икки

қисми қишлоқ жойларига тўғри келди. Президентимиз Вазиirlар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, 2008 йилда ялли ички маҳсулот таркибида уларнинг улуши 48 фоизгача, 2010 йилга келиб, 50-52 фоизга етказилади.



«ИПОТЕКАБАНК»:

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА

Кичик бизнеснинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишда банк-молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Жумладан, «Ипотекабанк» АТИБ томонидан 2007 йил давомида жами 103,0 млрд. сўм микдорда узоқ мuddатли кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 78,0 млрд. сўми инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Бундай лойиҳалар қаторига «Интер рохат» қўшма корхонасининг 7,3 млрд. сўмлик, «Alubond Roison Building Technology» шўъба корхонасининг 2,5 млрд. сўмлик, «Alfa plast invest» қўшма корхонасининг 1,5 млрд. сўмлик «Shinkontraktorg» шўъба корхонасининг 0,5 млрд. сўмлик лойиҳаларини киритиш мумкин.


Шунингдек, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молия-

лаштириш учун 2007 йилнинг 3 июлида Ислom Тараққиёт банкининг 3,0 млн. АҚШ доллари микдоридидаги кредит линияси жалб этилди. Ушбу кредит линияси маблағлари иқтисодиётнинг устувор йўналиши бўлмиш ишлаб чиқариш, хус-

сан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга асосланган лойиҳалар, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш режалаштирил-

ган. Хозирда 2 та кичик бизнес субъектининг 952,0 минг АҚШ долларилик истиқболли лойиҳаси танланиб молиялаштирилди. Пировардида 31 та янги иш ўрни яратилиб, замонавий технологиялар фойдаланишга топширилди.

«Ипотекабанк» АТИБнинг узоқ мuddатли кредитлари динамикаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ҲАҚАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа мuddатларда қўриб чиқилиши);
- муҳокаманинг камчиқимлиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлиги);
- судьяларнинг касб маҳорати (Энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);
- мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудидида қўриб чиқиш имконияти);
- Ҳақамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳақамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
- Ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ҳақамлик суди
 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй.
 Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03.
 web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРИНИМАЕТ

ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ И ПЛАСТМАССОВЫЕ

ОТХОДЫ

(БАКЛАЖКИ, ПАКЕТЫ И ПРОЧЕЕ)

ПУНКТЫ ПРИЕМА: Хамзинский р-н - тел. 301-90-84
 Чиланзарский р-н - тел. 253-90-08

302-16-90 Круглосуточно

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
 242-хона
 E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Акциядорлик тижорат «АЛОҚАБАНК»

жамоаси азиз ва мўтабар аёлларимизни 8 март — халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан самимий муборакбод этади!

30% йиллик

АТ «Алоқабанк» сизларга қуйидаги янги аҳоли омонатларини таклиф этади:

«ЁШЛАР» омонати

35 ёшгача бўлган ёшлар учун жамғарма омонати
 Омонат мuddати — 1 йилдан 3 йилгача.
 Фоиз ставкаси — йиллик 30%.
 Энг кам микдори — 500 000 сўм.
 Энг кўп микдори — чекланмаган.
 Фоиз тўлови:
 - 1 йилга — ҳар 3 ойда;
 - 2 йилга — ҳар 3 ойда ва ишлатилмаган фоиз даромади ҳар 6 ойда капиталлаштирилади;
 - 3 йилга — ҳар 3 ойда ва ишлатилмаган фоиз даромади ҳар 3 ойда капиталлаштирилади.
 Қўшимча бадаллар — 200 000 сўмдан кам бўлмаган.

«БАХТЛИ БОЛАЛИК» омонати

Мақсадли жамғарма омонати

Омонат мuddати — бола 18 ёшга тўлгунга қадар.
 Фоиз ставкаси — йиллик 30%.
 Энг кам микдори — 200 000 сўм.
 Энг кўп микдори — чегараланмаган.

Фоиз тўлови — мuddат тугагач, ҳисобланган фоизларга йиллик 30% микдоридида қўшимча даромад тўланади.

Қўшимча бадаллар — 200 000 сўмдан кам бўлмаган.

«ВИЗИТКА» омонати

Омонат мuddати — 1 йил.
 Фоиз ставкаси — йиллик 30%.
 Энг кам микдори — 50 000 сўм.
 Энг кўп микдори — чекланмаган.
 Фоиз тўлови — ҳар 3 ойда.



Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., А. Толстой к., 1-уй. Тел.: 252-78-86, 237-49-36, 233-57-29. Факс: 252-78-03. Сайт: www.alokabank.uz, e-mail: alokaur@uzpek.uz

«АЛОҚАБАНК» билан алоқада бўлинг...

«АГРЕГАТ ЗАВОДИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

тўрт қаторли, чигитни аниқ экадиган механик ва пневматик сеялкаларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Сеялкалар конструкциясини тайёрлашда хорижий фирмаларнинг илгор тажрибаларидан фойдаланилган. Мазкур сеялкалардан Ўзбекистон Республикасининг деҳқончилик қилинадиган барча ҳудудлари ва қўшни минтақаларда фойдаланиш мумкин.

«PPAES-4-04» русумли сеялка чигит экиш ва 50 см.дан 90 см.гача бўлган қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган. Мазкур сеялка 40-70 квт кучга эга бўлган тракторларга тиркалади.

«PPAES-4» русумли пневматик сеялка эса чигитни ерга қадаш, маккажўхори, оқ жўхори, каноп, ерғоқ, кунжут, помидор, қанд лавлагиси, озука лавлагиси ва кунгабоқар уруғларини 50 см.дан 90 см. гача бўлган қатор ораларига экиш ва шу экинларга ишлов бериш учун мўлжалланган. У 40-70 квт кучга эга бўлган тракторларга тиркалади.

Завод манзили: 100057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 117-уй.
 Телефонлар: (998-71) 148-02-40 (кабулхона), (998-71) 248-16-51 (таксимот бўлими),
 Факс: (998-71) 148-17-40 (кабулхона), (998-71) 248-02-40 (таксимот бўлими).
 E-mail: agregat_zavodi@mail.ru

Drive your way

Тел.: 250-11-11,
 250-69-99,
 Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган.

HYUNDAI Official Partner
 www.hyundai-motor.com

«КАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ БАҲСИ

2008 йил
Ёшлар йили

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, қизларни оммавий спортга кенг жалб этиш ва стол теннисини янада ривожлантириш мақсадида икки йиллик, мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида «Камолот» маликаси мусобақаларини ўтказиб келмоқда.

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган ушбу тадбир Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хуна таълими маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпани



нияс билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

2007 йил юртимизнинг олис қишлоқларидан келиб, ушбу мусобақанинг финал босқичида фаол қатнашган уч нафар иштирокчининг маҳалласида «Камолот» теннис клубини очибга қарор қилинган эди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши матбуот хизмати-дан маълум қилишларича, айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси Чим-

бой туманидаги 10-маҳалла, Жиззах вилояти Жиззах туманидаги «Оқ олтин» маҳалласи, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Катта ҳаёт» маҳалласида ана шундай клублар фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йил ушбу тадбирнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичларида қарийб тўрт минг нафар қиз иштирок этди. Улар орасидан сараланган эллик олти на-

фар қиз мусобақанинг 5-6 март кунлари бўлиб ўтган финал босқичида иштирок этиш учун пойтахтимизга келди.

«Камолот» маликалари мусобақа аввалида Мустақиллик майдонидаги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйдилар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

— Пойтахтимизнинг ораста ва кўркамлиги, муазам биноларнинг шарқона қиёфаси руҳиятимизга янада кўтаринкилик бахш этди, — дейди Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги маийши хизмат кўрсатиш касб-хуна коллежи ўқувчиси Малолхат Жалолова. — Мустақиллик майдонини зиёрат қилдик, маданият саройлари, музейларни томоша қилдик. Бундай муқашам иншоотлар бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида салобат тўкиб турибди. Жумладан, коллежимиз биноси улардан биридир. Илм даргоҳимизда жаҳон андозалари даражасида таълим олишимиз учун барча шарт шартлар яратилган. Компьютер хоналари, ёпиқ ва очик спорт заллари бизнинг хизматимизда. Яратилган ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, пухта билим олишни, мунтазам спорт билан шуғулланишни ва келажақда танлаган соҳам бўйича етуқ мутахассис бўлишни вазирам деб биламан.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.
М. АМИН олган сурат.

Спорт

Россиянинг Иваново ва Нижний Тагил шаҳарларида профессионал бокс кечаси ташкиллаштирилди. Унда қатнашган ўзбекистонлик «чарм қўлоқ» усталари ўзлари учун муҳим бўлган рейтинг очколарини жамғаришга муваффақ бўлдилар.

УЧ ВАКИЛИМИЗНИНГ УЧ ҚАЛАБАСИ

Иваново шаҳрида юртимизимиз Гайрат Аҳмедов россиялик Худ Муродовга қарши олти раундлик жангда рингга кўтарилди. 2004 йилдан буюн профессионал боксда фаолият кўрсатаётган вакилимиз рақибини қучли зарбалари билан сўнгги раундда техник нокаут ҳолатига туширди. Бу ҳамюртимизнинг профессионал боксдаги саккизинчи қалабасидур.

Нижний Тагил шаҳридаги профессионал бокс кечасида эса икки нафар боксчимиз — Шерзод Хусанов ва Гайрат Абдуҳамидов рейтинг жағларидан иштирок этди. Профессионал боксга ўтганига энди бир йил бўлаётган Шерзод россиялик Вадим Судянов билан беллашди. Ўзбекистонлик боксчининг техник ва қучли зарбаларини кетма-кет ўтказиб юборган мезбонлар вақили бешинчи раундда мағлубиятга учраганини тан олди. Жорий йил ўзининг 24 ёшини нишонлаган Гайрат Абдуҳамидов яна бир россиялик боксчи Юрий Маргарян билан бўлган бахши узок қўшиб ўтирмади. Ю. Маргарян икки марта кетма-кет нокаут ҳолатига тушиб қолган, рефери жангни тўхтатди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 23 февралдан 29 февралгача бўлган маълумот

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. Ўзбекистон Республикаси экспериментал ҳаво кемаларини давлат ҳисобига олиш қоидаларига (ЎЗР АҚ-46) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 22 январдаги 12-сонли буйруғи.

2008 йил 26 февралда 1452-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 7 мартдан қучга қиради).

2. "Ўзбекистон Республикасининг Авиация қоидалари "Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиб ишларини ташкил этиш бўйича қоидалари"ни (ЎЗР АҚ-92) тасдиқлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 30 январдаги 16-сонли буйруғи.

2008 йил 26 февралда 1773-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 7 мартдан қучга қиради).

3. "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг 2008 йил 20 февралдаги 14, 01-02/8-7, ЭГ-01/10/10-910-сонли қарори.

2008 йил 27 февралда 1774-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 8 мартдан қучга қиради).

4. "Ишлабтатан оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа таъинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми"ни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 1 февралдаги 2, 5-сонли қарори.

2008 йил 28 февралда 1113-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 9 мартдан қучга қиради).

5. "Электр билан иситиш мақсадида электр энергиясидан фойдаланишни қелишти тартиби тўғрисидаги низоми"ни тасдиқлаш ҳақида" Ўзбекистон Республикаси Электр энергетика ва назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 30 январдаги 10-сонли буйруғи.

2008 йил 29 февралда 1775-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 10 мартдан қучга қиради).

II. Давлат реестридан чиқарилиди:

1. Ягона божхона божини ўндириш ва унинг суммасини давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми ва 1, 2-сон ўзгартиш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1148, 2002 йил 10 июнь, рўйхат рақами 1148-1, 2002 йил 2 август, рўйхат рақами 1148-2, 2006 йил 19 июль).

Адлия вазирлигининг 2008 йил 19 февралдаги 25-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Бозорларнинг ветеринария-санитария экспертиза лабораторияларида озувачий ўсимлик маҳсулотларини ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳўзуридаги Давлат ветеринария бош божқармаси бошлиги томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан қелишилган ҳолда ушбу ҳўжжат техник ҳўжжат деб топилди.

Мазкур ҳўжжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, қучга киритилиши мўмкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган норматив ҳўжжатларда амалдаги қонун ҳўжжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

IV. Кўчини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан қақриб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 1999 йил 8 ноябрдаги 163-сонли буйруғи.

Ушбу ҳўжжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳўжжат сифатида кўчини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан қақриб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНING «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

2008 йил 4 апрель кўни соат 11:00 да Ўзбекистон Банклар асоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳўжжати асосан тақдим этилган қўйидаги мулкларни қайтадан қўймоқда:

• Тошкент метрополитен қурилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Фаробий ва Сағбон кўчалари қўшиган чорраҳада жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Фаробий» нимстанцияси.
Бошланғич баҳоси — 15 699 565 сўм 9 тийин.

• Тошкент метрополитен қурилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Юнусовод мавзеси, 7-даҳа, Мирзааҳмедов кўчасидаги трамвайнинг охири айланма бекатида жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Қорақмиш» нимстанцияси.
Бошланғич баҳоси — 12 190 421 сўм 81 тийин.

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мўмкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳўжжатида мулк номи, ижро ҳўжжат рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан зақалат пулини Ўзбекистон Банклар асоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топширилган аризалар ва зақалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мўмкин:

Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А. Хўжаев к., 1-уй.
Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

Лицензия DB001-000010.

Российский Обои линолеум виниловые

тел. 234-48-11
факс 234-49-58

Форма оплаты — любая

Товар сертифицирован



«ПАХТА - БАНК»

«Маийши тўлов» жамғарма омонат турининг фоиз ставкасини оширди.

Энди у йиллик 30 фоизни ташкил этади.
Омонатга ўзингиз учун мақбул миқдорда маблағни қўйиб, коммунал тўловларни: ҳеч қандай қийинчиликларсиз ўз вақтида тўлаб борилишига эришасиз.
Омонатнинг муддати — 2 йил.

«Пахта-банк» — биз билан ҳаммаша қулай!

Бундан ташқари, «Пахта-банк» қўйидаги жамғарма ҳамда муддатли омонат турларига бўш пул маблағларингизни қўйишни таклиф этади:

Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Бошланғич бадал
«Болалар келажагимиз» (14 ёшгача болалар учун) жамғарма	1-5 йилгача	12%-18%	10 000 сўм
«Навниҳол» (16 ёшдан 25 ёшгача) жамғарма	1 йил	МБ қайта молиялаш ставкасида	1 000 сўм
«Баркамол авлод» жамғарма	1-3-6-9-12-15 ва 18 ой	30%	10 000 сўм
«Оқ олтин» муддатли	6 ой	18%	2 000 сўм
«Пахтакор» муддатли	3 ой	16%	10 000 сўм
«Фаровонлик» муддатли	3-6 ойгача	16%-18%	5 000 сўм
«Барака» муддатли	3-12 ойгача	12%-18%	20 000 сўм
«Саховат» муддатли	1 йил	18%	20 000 сўм
«Баҳор» муддатли	9 ой	18%	20 000 сўм
Истеъмол омонати муддатли	3 йил	10%	«Истеъмол кредит»и миқдорининг 30 фоизи

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.

«Пахта-банк» миқозларнинг омонатга қўйган пул маблағлари сир сақланишини кафолатлайди!

«ПАХТА-БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Хизматлар лицензияланган

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоҳ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзломлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғиев ва Муҳаммадвали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материали

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Тошпирилди — 22.50 1 2 3 4 5 6 7

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ТСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болшев.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳах — Ш. Махраббоев.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси